



Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ, азиз диндошлар. Барчаларингизни Куръон.уз сайти хайъати номидан ушбу кириб келган Куръон ойи – кутлуг рамазон ойи билан чин дилдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз. Аллоҳ таоло ҳаммаларингизга руҳан ва жисмонан соғлиқ, саломатлик, бардамлик ато этсин ва ушбу муборак ойдан унумли фойдаланиб, илму амалда, фазлу таквода зиёдалиқ билан, гуноҳлардан фориғ бўлган холда, рўзанинг инсон руҳи ва жисмига етказадиган манфаатларидан тўлиқ насибадор бўлган холда чикиб боришни муяссар этсин. Келгуси рамазон ойларига ҳам соғ-омонлиқда етиб боришни насиб айласин.

Аллоҳ таоло Еру Осмонни яратиб, Куёш ва Ойни халқ килиб, уларга манзиллар белгилаганида ойларнинг ўн иккита бўлишини ирода қилди ва ушбу ойлар ичидан рамазон ойини танлаб, уни бошқа ойлардан афзал қилди. Зотан, бирор ой ёки кунни бошқасидан афзал қилишга уларни йўқдан бор қилган Зотгина ҳақли ҳисобланади. Рамазоннинг бошқа ойлардан афзалликлари қуйидаги жихатларда яққол намоён бўлади:

1. Роббулоламин махлукотларнинг йиллик тақдирини қайд қилиш учун рамазон кечаларидан бирини танлади ва у кеча «Кадр кечаси», деб номланди.
2. Бу ойда жаннат эшиклари очилиб, дўзах эшиклари бекиладиган ва бебош шайтонлар қишанладиган бўлди.
3. Ҳақ таоло ушбу рамазон ойининг шарафини қўтариш учун Ўзининг охириги ва мўъжиз каломи Куръони Каримни дунё осмонига айнан ушбу ойда, кадр кечасида туширди.
4. Куръони Каримнинг илк оятларини сўнгги Пайгамбар Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилиш учун ҳам Аллоҳ худди шу ойнинг кечаларидан бирини танлади.
5. Аллоҳ таоло кейинроқ ушбу муборак ойни Ўзининг суюкли Пайгамбарининг севиқли умматлари учун рўза ибодатини адо этиш фурсати этиб тайинлаб, белгилаб берди.
6. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг сўнгги китобини сўнгги Пайгамбарига фаришта Жаброил алайҳиссалом воситасида бўлиб-бўлиб нозил қилар экан, башар Пайгамбари

хар йилги тушган оятларни такрорлаб мустахкамлаб олиши учун махсус бир фурсат зурур эди. Илохий ирода бунинг учун айнан рамазон ойини ихтиёр килди. Хар рамазонда вахий амини Жаброил алайхиссалом Расулulloх соллalloху алайхи васалламга айна вақтгача нозил килинган Куръон оятларини такрор килдирар эди. Ушбу набавий хатмга айрим сахобаи киромлар гувоҳ бўлиш шарафига ҳам муяссар бўлганлар.

Ана шундан буён Ислом уммати бу ойнинг кундузларини рўза билан ўтказиш баробарида, кечаларини Куръонга ошноликда ўтказиб келмоқда. Айнан ушбу маънолардан келиб чиқиб, мусулмонлар қадимдан бу ойни ҳақли равишда Куръон ойи ўларок нишонлаб келмоқда.

7. Бу ой илохий таксимга кўра, уч даха – ўн кунликка бўлинди. Уларнинг биринчиси «Раҳмат даҳаси», иккинчиси «Мағфират даҳаси», учинчиси «Дўзахдан озод бўлиш даҳаси» бўлди.

8. Рамазонда килинган яхши амалларнинг савоби кўпайтириб бериладиган бўлди. Рамазонда килинган хар бир фарз амалга етмишта фарзнинг савоби, хар бир нафл амалга бир фарзнинг ажри берилиши, бу ойда килинган умрага ҳажнинг савоби бўлиши ҳадисларда таъкидланган.

9. Эътиқоф ибодати учун суннатда тайинланган вақт ҳам рамазон ойдир. Расулulloх соллalloху алайхи васалламнинг бошқа ойларда эътиқоф ўтирганлари кузатилмаган. Бу ой – рухий тарбия ойи. Кундузлари рўза билан, кечалари Куръон тиловати билан руҳимизни тарбиялаб, калбимизни покизалаб олишимиз керак. Рамазонда Куръонни хатм килиш – суннат. Агар буни ўзимиз кила олмасак, ҳеч бўлмаса, масжидлардаги хатми Куръонларда ихлос билан тўлик иштирок этишимиз даркор.

Бу ой – жисми тарбиялаш ойи. Сахарлик ва ифторликларни суннатга мувофиқ килиб, кундузлари нафсимизни тийиб юриш билан жисмимизни тозалашимиз, уни каноатга, керагича озукаланишга кўниктириб олишимиз лозим. Вақти келганда, очликка ва ташналикка чидай олиш малакасини эгаллаб олишимиз мақсадга мувофиқ. Агар рамазонни мана шу тарзда ўтказсак, иншооллох, ундан унумли фойдаланган бўламиз. Аллох таоло ушбу муборак ойни ганимат билишимизни, унинг фазилатларидан тўла фойдаланиб қолишимизни насиб этсин.